



Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



Таклифлар ҳисобга олиняпти

қонун ижодкорлиги жараёни такомиллашиб борапти

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича бўлиб ўтаётган муҳокамалар жамоатчиликлда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси иқтисодийтимизни илғор мезонлар асосида тубдан ислоҳ қилиш, хусусийлаштириш битимларининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш, инвесторларга бир хил қулайликлар яратиш, бу борада замонавий стратегия ишлаб чиқишда муҳим ҳужжат бўлиши кутиляпти. Кунни-кеча ушбу қонун лойиҳасини ҳар томонлама такомиллаштириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

ЎзХДП фракцияси хусусийлаштириш масаласида шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмаслиги, мақсад давлат мулкани имкон қадар тез муддатда бошқа шахсга сотишдан иборат эмаслигини айтиб, масъул қўмимага бир қатор таклифларини тақдим этган эди...



Мустақиллик йилларида минглаб мактаблар янгидан қурилди, таъмирланди. Ҳаммаси керакли анжомлар билан таъминланди. Нафақат мактаблар, балки касбхунар коллежлари, академик лицейлар бунёд этилди. Олий ўқув юртлари замонавий қиёфа касб этди.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ёзувчи ва шoirларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мустақиллигимизнинг йиғирма уч йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуғ, энг азий» аънавий танловига таклиф этади.

Танловга «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу гоани ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади.

- «Энг улуғ, энг азий» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:
— ёзувчи ва шoirларнинг бадий асарлари;
— босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
— телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
— тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
— кино санъати асарлари.

Танловга 2013 йилнинг 1 августидан 2014 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадий асарлар, газетажурналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йил 5 августга қабул қилинади.

Фаол ва ташаббускор аъзолар

қуйи бўгин фаолияти таъсирчанлигини таъминламоқда

Сийсий партиянинг кучи, тарғибот ишларининг таъсири бошланғич ташкилотлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Улар қанча мустаҳкам, ташаббускор бўлса, партия ҳам шунча мустаҳкам бўлади, гоаяларини қўллаб-қувватловчилар сафи кенгайиб бораверади.

Умуман, партия гоаяларини кенг тарғибот қилиш, электрот манфаатини химоялаш, сийсий-хуқуқий фаоллигини оширишда қуйи бўгиннинг алоҳида ўрни бор. Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти фаолияти билан танишар эканмиз, бу фикрларнинг нечоғлиқ ҳақиқат эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Давоми 2-бетда.

«ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ТУРЛИ СИЁСИЙ ФРАКЦИЯЛАР ҲАМ РАҚОБАТ ҚАНЧАЛИК КЕСКИН ВА КУЧЛИ БЎЛСА, ЖАМИЯТИМИЗНИНГ МУАЙЯН СИЁСИЙ КУЧЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ҚАТЛАМЛАРИ МАНФААТЛАРИНИ ЎЗИДА ИФОДА ЭТАДИГАН ҲАР ҚАЙСИ ПАРТИЯНИНГ ГОЯЛАРИ, ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРИ ҲАЁТГА МУВАФФАҚИЯТЛИ ТАТБИҚ ЭТИЛИШНИНГ КАФОЛАТИ ҲАМ ШУНЧАЛИК МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ».

Она Ватан мадҳи

Нукусда Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда она Ватан, истиқлол, унинг улкан имкониятлари,

ри, миллий ўзлики англаш, асрий аъналаримизнинг тикланиши, ёшларни буюк аждодларимизга муносоиб инсонлар этиб камолга етказиш йўлидаги меҳр-эътиборни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университети талабалари биринчи ўринни эгаллаб, мамлакат босқичига йўланма-

ни қўлга киритди. Иккинчи ўринни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали жамоаси эгаллаган бўлса, учинчи ўрин Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг талабаларига насиб этди.

А.ОРТИҚБОВ, ЎЗА мухбири.

САВОЛ

«Иккинчи гуруҳ ногирониман. Тез-тез даволашиб тураман, анчамунча дори сотиб олишимга тўғри келаяпти. Дори-дармон сотиб олишда менга имтиёзлар борми?»

Камол ИСМАТУЛЛАЕВ, Жиззах вилояти.



ЖАВОБ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Даволаш профилактика ёрдамни ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи Дониёр Миразимов:



- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 июлдаги «Амбулатория даволанишда дори воситалари билан имтиёзли таъминлаш хуқуқига эга бўлган шахслар тоифалари рўйхати»га асосан қуйидаги касалликларда ва имтиёзга эга бўлган беморлар амбулатор шароитида даволанаётганда бепул дори воситалари билан таъминланади:
1. Онкологик касалликларга чалинганлар;
2. Сил касаллигига чалинганлар;
3. Мохов касаллигига чалинганлар;
4. Эндокринологик касалликларга (қандли ва қандсиз диабетга) чалинганлар;
5. Рухий касалликларга чалинганлар;
6. ОИВ касаллигини юқтирганлар;
7. Юрак клапанини протезлаш ва органларни кўчириш юзасидан операция қилинган шахслар;
8. Узаалар парваршига муҳтож ёлғиз пенсионерлар;
9. 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар;
10. 1941-1945 йиллардаги уруш меҳнат фронти қатнашчилари;
11. Чернобыль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини туғатишда қатнашган ногирон шахслар;
12. Байналмилалчи жангчилар;
13. Ҳарбий хизматни ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ўтаган пенсия ёшидаги шахслар.

ЎзХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«O'ZBEKISTON OVOZI» ГАЗЕТАСИНING НАВБАТДАГИ СОНЛАРИ... ВА САЙТИДА ЎҚИЙСИЗ

«Ёш сийсатчи» танловининг вилоят босқичи янги иқтидор эгалари, келажакда сийсатчи, депутат ва партия етакчиси бўлиш истагидаги йигит-қизларни кашф этди.

www.uzbekistonovozi.uz



ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамкорлигида Навбахор туманида «Партия электротини безовта қилаётган ижтимоий масалаларни ҳал қилишда жамоатчилик қабулхоналарининг ўрни» мавзусида семинар ташкил этилди.



Ўзбекистон Истеъмолчилар хуқуқларини химоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан бугунги кунда истеъмолчиларнинг хуқуқларини химоя қилиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар тўғрисидаги мақола...



ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгашида сайловолди жараёнарига тайёргарлик, бу борада партия тузилмалари ҳамда бошланғич ташкилотлар олдида турган долзарб вазифаларга бағишланган конференция бўлиб ўтди.



100129, Ташкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси. Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинган шу кунларда юртдошларимиз қалбида қувонч, ҳаяжон туйғуларини жўш урмоқда. Мустақиллик қадрини, тинчлик қадрини ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Мустақиллик бизга нима берди? Мустақиллик ҳаётимизда қандай ўрин тутди? Оила аъзоларимиз, яқинларимиз тақдирини қандай из қолдирди, деган саволларга жавоб олиш учун бир гуруҳ ҳамюртларимизга мурожаат қилдик.

Насрулло ШОНАЗАРОВ,
Булунгур туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактаби директори, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— 34 йилдан бери ўқитувчилик қиламан. Собиқ тузум даврида мактабни таъмирлаш учун идорама-идора сарсон бўлиб юрардим. Янги мактаб ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасдик. Ишонсангиз, ўшанда мактабимизнинг аҳолини кўриб йиғлагим келарди. Бу меннинг назаримда ҳал этиб бўлмас муаммо эди.

Мустақиллик йилларида минглаб мактаблар янгидан қурилди, таъмирланди. Ҳаммаси керакли анжомлар билан таъминланди. Нафақат мактаблар, балки касб-хўнаҳар коллежлари, академик лицейлар бунёд этилди. Олий ўқув юрталари замонавий қўймақ касб этди. Бизнинг мактаб тоғли худудда жойлашган. Яратилган шароитларни соллаштирсак, Тошкентнинг қоқ марказидаги мактаблардан ҳам жойи йўқ. Яқунланган ўқув йилда мактабимизни 48 нафар ўғил-қиз битирмоқда. Улар ўқишларини касб-хўнаҳар коллежлари ва академик лицейларда давом эттиришди.

Илгари болалар компьютер нималиги ҳақида савол беришар эди. 2011 йилда мактабимизда замонавий компьютер хонаси ташкил қилинди. Бошқа жойларда бўлгани каби бизнинг мактабимизда ҳам инглиз тилини ўргатишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Турли кўргазмалар курулган келтирилди. Лингфон синфи ташкил қилинди. Энди ўқувчиларимиз чет тилларини янада яхши ўзлаштирилади, деб ўйлайман.

Янги мактабга кўчиб чиққанларимиздан кейин альбом қилдик. Унда эски ва янги мактабимиз тасвирланган суратлар ёнма-ён жойлаштирилган. Ушбу расмларни кўрган болада таққослаш, солиштириш имконияти пайдо бўлади.

Мамалякамиз ўқувчилари халқаро фан олимпиа-

даларида қатнашиб, нуфузли ўринларни эгалламоқда. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида иштирок этиб, катта спортга илк қадамларини қўймоқдалар. Бир вақтлар булар биз учун етиб бўлмас орзу эди.

Президентимиз юртимиздаги мактаблар фаолияти билан доимо қизиқиб келган. Ўзининг ҳар бир чиқишида мактабда таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратади. «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорда ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимининг ривожлантириш умуммиллий дастурларини халқимиз ҳаётида, маънавий, маърифий оламида тутган бекўёс ўрнига алоҳида аҳамият берилган.

Илгари ўқитувчилар ўқув куроллари, техника жиҳозлари етишмаслигини аниқлашди. Ҳозир ҳамма шароит мўҳайё. Фақат виждонан ишлаш керак. Ўқитувчининг зиммасида жуда катта масъулият бор. У миллат тарбиячиси.

Дилафрўз МАМАДАЛИЕВА,
Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқитувчиси:

— Мустақиллик бизга нима берди? Мен бу саволга ўз оилам мисолида жавоб бермоқчиман. Укам Бехзод Абдураимов 2009 йилда Лондонда ўтган халқаро танловда мутлақ голибликни кўлга киритди. Дунёнинг кўплаб давлатларида, ақиндагина эса Японияда ўзининг концерт дастурини намойиш этди. Укам эришган ютуқларни санайман десам анча вақт керак. У бугун бутун дунёда тенгсиз, деб эътироф этилмоқда.

Ўғлим Искандар Мамадалиев эндигина 12 ёшга кирган бўлса-да кўплаб халқаро танловлар голиблиги ва Гран-присини кўлга киритди. Дастлаб 2011 йилда Италиянинг Барлетта шаҳрида ёш пианиночиларнинг «Cita di Barletta» халқаро танловда бир йўла учта — «Мутлақ тенгсиз», «Европа

мусикасининг энг зўр ижрочиси», «Тошошбин меҳрини қозongan ижрочи» номинациялари бўйича голиб, деб топилди. 2012 йил февралда у Американинг Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган халқаро «Piano and Strings Competition», «American Protege» интернет танловида 1-ўринга сазовор бўлди.

2012 йилнинг июнида Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган ёш пианиночиларнинг «Piano Talents» иккинчи халқаро танлови голиби бўлди. Шунингдек, у «Мутлақ тенгсиз» дея эътироф этилди.

2013 йилнинг май ойида Италиянинг Перуджа ҳамда Барласина шаҳарларида ўтказилган халқаро танловларда қатнашиб, иккаласида ҳам Гран-прини кўлга киритди. Танлов якунланган ҳайъат аъзолари Искандарнинг истеъдодини бриллиантга қиёслашди. Юртимизда бизга ўхшаган оилалар юзлаб, минглаб топилди. Бу жуда қисқа вақт ичида улкан натижа. Спортчи болаларимиз кўксидоги олтин медаллар шодаси ўзларининг вазнидан ҳам оғир бўлса керак. Ёш мусиқачиларимиз эришган жаҳоний ютуқларини санаб адоғига етиб бўлмайди.

Бир неча йил олдин Президентимиз бизнинг янгидан таъмирланган лицейимизга келиб, ўқувчиларимиз учун яратилган шароитлар билан танишди, болаларимиз билан суҳбатлашди. Уларнинг қизиқишлари ва интилишларини сўради. Бу ишонч мусиқачи ўғил-қизларни янги-янги марралар сари илғомлантирди.

Мен мусиқа муаллими сифатида шунинг айтмоқчиманки, бу ҳали ҳаммаси эмас. Бугун мамлакатимиз мусиқа ва санъат мактабларида ўқиб-ўқитиб мустақиллик фарзандлари эртага халқаро танловларда иштирок этиб, Ўзбекистон номини жаҳонга танитади.

Буларнинг барчаси эътибор ва меҳр мевалари, мустақиллик имкониятларидир.

«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ тайёрлади.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗЛАРИ

халқимизга сифатли медицина хизмати кўрсатмоқда

Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Республика ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари ва Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази фаолияти, бугунги кунда ушбу замонавий даволаш масканларида амалга ошириб келинган энг мураккаб жароҳат амалиётларининг натижалари таҳлилга бағишланган анжуман ўтказилди.

Унда сўзга чиққанлар кейинги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилгани, Президентимиз ташаббуси билан тиббиётнинг ўн йўналишида — хирургия, урология, кардиология, кўз микрохирургияси, акушерлик ва гинекология, педиатрия, терапия, дерматология ҳамда пульмонология соҳаларида Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг ташкил этилиши нафақат юртимиз, балки дунё медицинасида ҳам янги, яна бир ноёб тажриба сифатида эътироф этилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ихтисослашган тиббиёт муассасалари раҳбарлари сўнги йилларда эришилган ютуқлар ҳақида тўхтади. — Бугунги кунда фақатгина бизнинг марказимизда йилга 8 мингга яқин энг мураккаб жароҳат амалиётлари ўтказилмоқда. Мазкур операцияларнинг 60 фоизидан кўпроги юқори технология, яъни эндокопик амалиётлар сирасига киради, — дейди Республика ихтисослаштирилган урология маркази директори Фарход ОҚИЛОВ. — Бу ҳолатда беморга тизимли таълим берилади. Олинган натижалар энг тараққий этган Европа клиникалари кўрсаткичидан қолишмайди. Баъзан оғир кечадиган урологик хасталikka чалинган одамлар чет элга бориб операция қилдириб келади. Аммо кўп ҳолларда касаллик асорати бўйича бизга мурожаат қилишади. Чунки бошқа мамлакатлардаги клиникаларни беморнинг кейинги тақдирини қизиқтирмайди.

Марказимиз қошида кардиохирургия мажмуасининг очилиши мазкур соҳага замонавий технологияларни татбиқ қилиш, тиббий ёрдам сифатини оширишда муҳим ўрин тутмоқда, — дейди Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори Равшан ҚУРБОНОВ. — Биргина ўтган йилда ўзида мажмуада юрак-қон томир касалликлари чақилган 4 мингдан зиёд бемор даволанди. Шунингдек, бундай мураккаб амалиётлар вилоятлардаги муассасаларда ҳам бажарилаётгани муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бу каби операциялар МДХ бўйича фақат учта мамлакатда қилинади. Бундан ташқари, Наманган ва Урганч шаҳарларида юрак клапанларини алмаштириш, туғма ва ортирилган юрак касалликлари операция қилиш, электр кардиостимулятор имплантацияси, эхокардиография каби даволашнинг замонавий усуллари йўлга қўйилди.

— Яқинда марказимизда илк бор чоксиз усулда соч экиш операцияси ўтказилди, — дейди Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология маркази бош шифокори Алишер АБИДОВ. — Аслида, ушбу мураккаб жароҳат амалиёти кенг қўламадаги тайёргарлик ишларининг маҳсули ҳисобланади. Шунингдек, қайд этиш керакки, кейинги йилларда марказда ана шундай йирик операцияларни ўтказишга имкон берувчи энг сўнги ассасаларида амалиёт ўтаб қайтишди. Умуман, йилдан-йилга андроген соч тўқилишига дучор бўлаётган эркаклар сони охири бормоқда. Бунинг асосий сабаби гормонал баланснинг бузилишидир.

Шунингдек, тадбирда бошқа ихтисослаштирилган марказлар раҳбарлари ҳам тизимда олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари ҳақида фикр юритишди.

Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Анвар Алимов иштирок этди.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Хотин - қизлар ва ёшлар учун иш ўринлари

Жорий йилда Шўрчи туманида 100 та ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилиб, 5 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланади

Уларнинг асосий қисмини сервис ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бўлиб, 60 фоиздан ортиги кишлоқларда иш бошлайди. Бундан ташқари, 20 дан ортиқ корхонада модернизация қилиш ишлари бажарилмоқда. Мазкур соҳаларда 300 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Худуддаги Шўрчи мебель корхонасида дастлаб бир неча турдаги жиҳоз тайёрланган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони юзтадан ошди. Унда ўттиз нафарга яқин хотин-қиз ва ёшлар, асосан хотин-қизлар меҳнат қилмоқда.

— Шўрчи меьбелари сифати ва бежиримлиги билан хорижикидан асло қолишмайди, — дейди иш-

лаб чиқариш цехи бошлиғи Қобилжон Ганиев. — Ўтган йили 1 миллиард 350 миллион сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 550 миллион сўмдан ошди. Бу йил мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ва бошқа зиё меьсканлари учун стол-стул ва парталар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қўшимча фаолият турини ташкил қилиш мақсадида хориждан 10 та тикув машинаси олиб келди. Бу янги иш ўринлари деганидир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МУНОСАБАТ

Патилахон ЭРГАШЕВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Бувайда туманидаги «Патилахон» фермер хўжалиғи раҳбари, ЎзХДП фаоли:

— Мустақиллик халқимизга нима берганини ким кўроқчи бўлса, Фарғонага келсин. Бу ерда қурилган иморатларни, ободчилик ишлари, бунёдкорликлар ҳар қандай одамнинг ақлини шоширади. Бугунги Фарғона халқимиз шаҳарсозлик маданиятининг, юксак меъморчилик салоҳиятининг тимсолига айланди.

Кишлоқларимизни айтмайсизми, янги йўللар, мактаб, коллеж, қишлоқ врачлик пункти, болалар боччаси, намунавий лойиҳа асосида қурилаётган уйлар... санаб саногига етолмайсиз.

Менинг болалигим пахта даласида ўтган. Биз пахта одамдан азиз бўлган оғир даврларни кўрганмиз. Халқимиз хўрланган, деҳқон оёқоси қилинган кунларга гувоҳ бўлганмиз. Мустақиллик бўлиб, меҳнатларимиз қадр топди. Елкамга оғир теғди. 1995 йилда Президентимиз фармонида биноян «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалиғи ходими» унвонига сазовор бўлдим. 2002 йилда «Меҳнат шўхрати» ордени билан тақдирландим. 2010 йилда эса «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак шарафга муносиб кўрилдим.

Оқдий бир қишлоқ аёлига шунча эътибор, шунча эъоз. Бу ҳақда ўйласам, тунларни тонга улаб қилган машаққатли меҳнатларим, чеккан заҳматларим

бир зумда унутилади. Президентимиз ҳар йили Фарғонага келиб бу ердаги ислохотлар билан танишади, одамлар билан суҳбатлашади. Яқинда яна учрашдик. Уларнинг гаплари кучимизга куч, гайратимизга гайрат қўшди. У кишининг маслаҳат ва тақлифларига амал қилиб ишимиз янада юришмоқда.

Биринчилар қаторида фермер хўжалиғи ташкил қилдим. Ер эгаси бўлдим. Собиқ тузум даврида тақдиримиз экин экишга руҳсат беришмасди. Бугунги кунда бугўйдан кейин турли полиз экинлари экилмоқда. Ундан олинган даромаддан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ёрдам берамиз. Хўжалик аъзоларига тарқатяпмиз. Рўзгоримиз бут, оиламиз, юртимиз тинч. Одамларимиз ҳаётдан рози. Кимдир уй қуряпти, бошқаси тўй қиляпти...

Кўл остимда 25 нафар ходим ишлайди. Елланма ишчилар билан қўшиб ҳисоблаганда улар сони 45 нафарга етади. Ҳаммасининг рўзғори обод. Камчилиги йўқ. Зарурат бўлса, қўшимча ёрдам берамиз. Жамоамиз аҳил.

Жорий йил бугўди топишди режасини 120 фоизга бажардик. Режадан ташқарисини одамларимизга бўлиб бердик. Пахта масаласига келсак, ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олишни режалаштириб турибмиз.

Энг аввало, юртимиз тинч бўлсин. Президентимиз омон бўлсин. Халқимиз аҳил, ҳамжихат бўлсин. Мустақиллигимиз абадий бўлсин.

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШИБ, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА

Республикамизнинг барча вилоятларида sanoat корхоналарини ташкил этиш, уларни қўллаб-қувватлаш, маҳсулотларини экспортга йўналтириш ва шу билан бирга қўшимча иш ўринларини яратиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ихтисодиётнинг барқарор суьратлар билан ўсиши учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Биргина Қашқадарё вилоятида жорий йилнинг биринчи ярмида 45113 янги иш ўрни яратилди. Бунда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Қашқадарё вилоят филиали томонидан хўжалик субъектларига маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ҳамда янги иш ўринларини яратишда кўрсатаётган кўмаги муҳим аҳамият касб этмоқда.

— 48 нафар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорга 7,0 млн. АҚШ долларини мақсадли равишда экспорт шартномаларини тузишда ташкилий-ҳуқуқий хизматлар ва молиявий ёрдам кўрсатилиб, ўтган олти ой давомида 9,8 млн. АҚШ доллари мақсадли равишда экспорт қилинишига эришилди, — дейди филиал директори Бахтиёр Турсунов. — Вилоятдаги экспорт салоҳиятига эга корхоналарга хомашё базасини шакллантириш ва маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш мақсадида ажратилган 250 млн. сўм миқдоридagi имтиёзли фондсиз маблағлар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда.



Жамғарма филиали томонидан кўрсатилаётган хизматлар натижасида вилоят корхоналарида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми кенгайиб, янги иш ўринлари яратилмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



Аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган лойиҳалар

«Ўзсаноатқурилишбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки Андижон минтақавий филиали томонидан жорий йилнинг беш ойи давомида кичик бизнесни ривожлантириш учун ажратилган жами 17,4 миллиард сўм миқдоридagi кредитлар эвазига вилоятда 379 янги иш ўрни яратилди.

Жумладан, Марҳамат туманидаги «Марҳамат сут» хусусий корхонаси банкнинг Андижон минтақавий филиалидан сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун янги дастоҳлар сотиб олиш мақсадида узоқ муддатли кредит олди. Лойиҳа амалга оширилиши натижасида 12 иш ўрни вужудга келди. Ишга қабул қилинган ёшларнинг аксарияти коллеж битирувчиларидир. Корхона томонидан музқаймоқ, пастеризацияланган сут, кефир, сметана, творог каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шундай молиявий кўмак олган корхоналардан бири Хонобод шаҳридаги «Ал-Бухорий» хусусий корхонасидир. — Замонавий мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида дастоҳлар сотиб олиш, айланма маблағларни тўлдириш учун бизнес лойиҳамизни «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Хонобод филиалига топширган эдик, — дейди корхона директори Абдухалил Маматов. — Лойиҳамиз тез кунда кўриб чиқилиб, маъқулланди. Банк томонидан биз сўраган миқдордаги маблағ ажратилиши ҳисобига корхонамизда қўшимча яна



иш ўрни яратилди. Айна пайтда мазкур иш ўринларига 5 нафар коллеж битирувчисини ишга қабул қилиш ҳақида шартномалар имзоланди. Банк молиявий хизматларидан миннатдоримиз. Хуллас, халқимиз фаровонлиги йўлидаги истиқболли лойиҳалар қўллаб-қувватланишида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Андижон минтақавий филиали ҳам муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. **Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири. (Хизматлар лицензияланган.)

